



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 9 май, № 95 (7325) Пайшанба

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат



ЗАРГАРЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 8 май куни заргарлик тармоғини ривожлантириш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар учун янада қулай шароитлар яратиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Заргарлик маҳсулотларига бутун дунёда талаб ҳамisha юқори бўлган. Жаҳон заргарлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми йилига 5-6 фоиз ўсаяти, товар айланмаси 250 миллиард доллардан ошайтигани унинг улкан экспорт салоҳиятидан далolat беради.

Мамлакатимизда бу тармоқ эътибордан четда қилиб кетилган ва заргарлик корхоналари асбоб-ускуналарнинг 80 фоизи эскирган, айримларида ишлаб чиқариш тўхтаган эди. Қимматбаҳо металлларни заргарларга сотишда ҳам қўлбас чекловлар бор эди. Жорий йил 1 мартдан бошлаб қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқарувчиларга биржа орқали тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилди.

Эндиги мақсад — заргарликни чинакам саноат даражасига олиб чиқиш. Давлатимиз раҳбари бунинг учун ҳам ашёдан самарали фойдаланиш, тармоққа фаол инвестиция жалб қилиб, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Олтин, платина ва қумуш нархи юқорилиги сабабли тизим корхоналарининг айланма маблагни кўп эмас. Шу боис заргарлик саноатида солиқ юкни қайта кўриб чиқиш, импорт қилинадиган хом ашё ва ускуналарни боғжона тўловларидан озод қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат заргарлик корхоналарига халқаро брендга эга компанияларни инвестицияларини жалб этиш, ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металллар харид қилиш учун имтиёзли кредит ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди.

Қуртимизда заргарлик, асосан, тақинчорлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Аслида эса бу соҳанинг йўналишлари кўп. Олтиндан ясалган соат, рўкча ва турли эсдалик совғалар, қумушдан тайёрланган ошона тўпалмлари жаҳон бозорига жуда харидорлиқ.

Масалан, 4 килограмм қумуш ишлашга лозим битта ошона тўпалма ўртача 4 минг доллар туради. Мамлакатимизда йилига 100 тоннадан зиёд қумуш ишлаб чиқарилиши инobatга олак, бундай маҳсулотлар экспортини бир неча миллион долларга етказиш мумкинлиги ойдинлашади.

Яна бир масала. Ўзбекистонда берилган, амелиёт, феруза, малахит, лазурит, опал каби қимматбаҳо тошлар захиралари бўлсада, улар саноат даражасида ўзлаштирилмаган.

Шулардан келиб чиқиб, йиғилишда заргарликнинг барча турини ривожлантириш, тармоқ учун зарур тошларни ўзлаштиришни йўлга қўйиш бўйича қўрсатмалар берилди.

Айни пайтда яқка тартибдаги заргар-тадбиркорлар ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқига эга эмаслиги сабабли воситачи дўконларга топширишга мажбур бўлмоқда. Шунингдек, аслилик даражасини белгилаш, тайёр заргарлик буюмларини чет элга олиб чиқишга оид тартиблар мураккаблиги ҳам аҳоли ва тадбиркорларга ноқулайлик туғдирмоқда.

Президентимиз маъмур масалаларни ҳал этиш учун заргарлик маҳсулотларини эркин бозорга чиқаришдаги тўсиқларни олиб ташлаш, яқка тартибда заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини бериш зарурлигини таъкидлади.

Аслилик даражасини белгиловчи тамғани маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзи қўйиши, жисмоний шахслар томонидан заргарлик буюмларини чет элга олиб чиқиш тартиби содда-лаштирилиши лозимлиги қайд этилди. Чакана савдо нуқталарида заргарлик буюмларини қабул қилиш ва сотишнинг электрон хисобини юритиш, ноқонуний савдонинг олдини олиш бўйича топшириқлар берилди.

“Ўзбекзаргарсаноати” уюشمаси фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда берилган топшириқлар ва зарур чора-тадбирларни кўзда тутуви қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мақтабгача таълимнинг самарали тизimini ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар нодавлат мақтабгача таълим муассасалари сонини янада ошириш ва улар кўрсатадиган хизматлар турларини кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил, болаларнинг мақтабгача таълим билан қамровини таъминлаш, мақтабгача таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик материаллар ва бадиий адабиётлар билан тўлдирди,

соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мақтабгача таълим тизimini янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мақтабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мақтабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизimini бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сонли қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
 - а) Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДА «РОССИЯ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СПОРТ, ЁШЛАР ВА ТУРИЗМ УНИВЕРСИТЕТИ» ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджет олий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда — Университет) Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджет олий таълим муассасасининг филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Филиал фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида талабаларнинг чуқурлаштирилган мустақил тайёрлигини ҳисобга олган ҳолда назарий ва амалий машғулотларни уйғунлаштириш;

олий таълим тизимига замонавий таълим технологияларига асосланган ўқув жараёнини жорий қилиш бўйича илгор хорижий таҷрибаларни татбиқ этиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизimini ҳамда очик ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга қўмаклашиш;

назарий билимлар ва амалий қўникмаларнинг ўзаро боғлиқлиги, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси кадрларининг профессионал тайёрлигини ошириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бериш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилан қўйилсинки:

Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлинмаси ҳамда кадрларга булган эътиҳжи ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган таълимнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда таълим Россия Федерацияси федерал таълим стандартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида рус тилида амалга оширилади;

абитуриентлар қабули ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — ИНСОНИЙ БУРЧ

Тинчлик — бебаҳо неъмат. Шу боис осойишта ўнтаётган ҳар бир кунимизга шукрона келтириш баробарида, унинг учун курашиш, жасорат ва матонат кўрсатган инсонлар олдида ҳамisha бош эгамиз.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш, оловли жангоҳлардан омон қайтган болларимизни эъозлашига алоҳида эътибор қаратилаётгани барчамизга хурсандчилик, фахр-ифтихор бағишламоқда.



9 май — Хотира ва Кадрлаш куни

Уруш ва фронт орти меҳнат фахрийлари билан бирга, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳужуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатилади.

Турли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, ёшлар шитроқидда Ватанимиз озодлиги ҳамда шаъни-шарофи ҳимоячиларига бағишлаб ўтказилаётган махсус учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар дилларга ажиб сурур бағиш этаётир. Зеро, юрт осойишталиги йўлида жасорат ва матонат кўрсатган юртдошларимиз тақдирини, ҳаёт йўли — чинакам шират намунасида.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 5 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган

Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси (Стокгольм, 2001 йил 22 май) қуйидаги баёнот билан ратификация қилинсин:

«Конвенциянинг 25-моддаси 4-бандига мувофиқ А, В ёки С иловаларга ҳар қандай тузатишлар Ўзбекистон Республикаси учун фақат бундай тузатишларни ратификация қилиш, қабул қилиш, маъқуллаш ёки уларга қўшилиш ҳақида унинг ҳужжатлари сақлашга топширилгандан кейин қучга қиради».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 8 май, № ЎРҚ—535

Дунё нигоҳи

«France Télévisions»: «ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИЛ БЎЙИ ТУРИСТЛАР ОҚИМИ ТЎХТАМАЙДИ»

Мамлакатимизда туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айланмоқда. Яқинда Франция давлат телеканали «France Télévisions»да намойиш этилган махсус кўрсатувда шундай фикр билдирилди.

“Асрлар мобайнида ўзбек заминидан дунёнинг энг муҳим саёҳат йўллари кесилган. Марказий Осиёнинг юрғи, Буюк Ипақ йўлининг чорраҳаси бўлиш ушбу ўлкада дунё тақдирини хал қилишга қодир тарихий воқеа ва ҳодисалар рўй берган”, дея ҳикоя қилади журналистлар. Араблар, мўғуллар, турли миллатларга мансуб савдогарлар, уларнинг барчаси бу замин гўзаллигига ошфта бўлган.

Шарҳловчи Доминик Дерданинг фикрича, Ўзбекистондаги тарихий обидалар, шу жумладан, масжид, мадраса ва миноралар жаҳон миқёсидаги бетакор дурдоналардир. Маданият ва тарихни севган ҳар қандай сайёҳ учун Ўзбекистон “ҳазиналар макони”га айланади. Ўн йиллар мобайнида республика ҳудудига кириш билан боғлиқ қийинчиликлар ва туризм инфратузилмасининг етарлича ривожланмагани туфайли мамлакатга сайёҳлар оқими “томчилаб келган” бўлса, эндиликда Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган илохотлар туфайли “туристлар дарёси” Ўзбекистонга “оқиб келмоқда”.

“France Télévisions” журналистлари ўлкада давлат ва жамиятнинг барча соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришларга юқори баҳо беради. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатнинг таъминлаб, унинг халқаро майдондаги обрў ва нуфузи салмоқли даражада яхшилашига олиб келди. Бу борада, айниқса, виза тартибининг либераллашуви алоҳида қўрсатиб ўтилади. Жумладан, Франция фуқаролари учун Ўзбекистонга саёҳат қилиш имкониятлари кенгайтирилди.

Буюк Ипақ йўлининг муҳим чорраҳаси бўйлаб саёҳат ҳақида сўзлар экан, Доминик Дерда Ўзбекистон шаҳарлари ўртасида замонавий теъжорлар поездлар қатнови йўлга қўйилганини таъкидлади. Қадим Самарқандга етиб бориш учун икки соат етарлидир. “Бухоро ва Хива бўйлаб айланар экансиз, ўзингиз мутлақо бошқа муҳитга тушиб қолганингизни ҳис қиласиз, — дея ўз фикрлари билан ўртоқлашди муҳбир. — Шу пайтгача Ўзбекистонда туризм “мавсумий соҳа” эди, эндиликда йил бўйи республикага сайёҳлар оқими тўхтамайди”.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ФРОНТГА ЖЎНАТИЛГАН:

- 2 100 та самолёт ва 17 340 та авиамотор
- 2 000 000 дан ортиқ авиабомба
- 5 та бронепоезд
- 2 200 та даала ошхонаси
- 1 000 000 та граната
- 17 100 та миномёт
- 22 000 000 та миња

БЕШ ТАШАБУСНИНГ БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШИ

БУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ БЎКАЛИКЛАР ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛМОҚДА?

Бугун мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус юзасидан Бўка туманида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бошланганига бир ой бўлди. Ўтган кунлар давомида китоб, мусиқа асбоблари, спорт анжомлари, ахборот технологиялари воситалари ортлган маънавият қарвони пойтахтдан туманга ўзгача файз олиб келди.

Жараён

Бунёдкорлик, маънавий-маданий ишлар туман аҳолиси, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётини янги мазмун билан бойитмоқда. Бугунги кунга келиб, ташаббусларнинг бешинчи йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси кўзга аққол ташланиб қолди. Туманининг “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан “Бўстон барока чеварлар” масъулияти чекланган жамияти янгидан қурилиб, ишга туширилди. Туман марказида бир ой аввал бўлиб ўтган йиғилишда қурувчи ва мутахассислар “Корхонага жой кўрсатинг, 21 кунда қуриб, ишга туширамиз”, деганларидан кўпчилик бу гапга ишонмаган эди. Ҳар кунлик иш жадвали ишлаб чиқилди. Иш ҳажми 20 кунга тақсимланди. Бир кун эса захирага олиб қолинди. Белгиланган муддатда қуриш ишлари ниҳонсига етказилди. Корхонага 114 та тикув машинаси, 8 та дазмол, 8 та сифат назорати ускунаси ўрнатилди.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — ИНСОНИЙ БУРЧ

✓ Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган **1,5 миллиондан** ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлган.

✓ Халқимиз фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган **бир миллионга** яқин оила ва болаларни қабул қилиб, бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрган.

✓ Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рабатлантириш тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари **7 500 000 сўм** миқдорда бирйўла тўланадиган пул мукофотлари билан тақдирланади.

БОБОЛАР ЖАСОРАТИ МАНГУ ЯШАЙДИ

Бу йилги баҳор ҳар йилгисидан фарқ қилди. Унинг таровати, нашидасини туйиб юргангиз рост, шу боис орқичка изоҳлашга ўрин йўқ. Деҳқон ва чорвадор шу кунгача намгарчиликка зориқиб қолмади, лалмикор ерларда бу жуда қўл келди. Шаҳарда ҳам, дасту далада ҳам кўрку тароват, кўнги сайилга хоҳиш туйди. Пойтахтимиздаги Хотира майдонининг, шу маънода, гавжум бўлаётгани сабаби ҳам тушунarli.

елкасида яраланиб қайтганидан сўнг жуда юрак олдириб қўйган эди. Чамаси онам ҳам тўнғичи яримжон бўлсада, қаватида бўлишини хоҳларди. Менку, урушга бормадим, аммо айрилиқ, мусибат ва очарчиликларни кўриб, бошимдан ўтказиб ўсдим. У замонларнинг ҳеч ҳавас қилгулиги йўқ, оқ қолмаслик, ўймай яшаб қолиш катта гал эди, тўғриси. Мана, давлатимизга раҳмат, уруш қатнашчилари, мустақиллик даврида Ватан ҳимояси, деб ёш жони қўрбон бўлганларнинг оила аъзоларига катта эътибор қаратилиб, моддий ва маънавий кўмак берилляпти.

— Уруш, бу — офат, кулфат, мусибат, айрилиқ. Худо бетини тескари қилсин унинг, — дейди Сайдулла бобо. — Мана бу майдон кўп нарсаларни жонлантириб турибди. Мотамсаро онали қаранг: у жонликдек, ҳамон фарзандини кутаётгандек. У даврларни биз кўрдик, бошқа ҳеч ким кўрмасин. Йигит бу гаплар ўзига бегона эмаслиги, тўксон тўрт ёшга кирган фахрий бобоси яқинда дунёдан ўтгани, лекин дунёда қадр кўриш бошқача эканини таъкидлади.

Биздан сал нарида икки йигит бир-бирига рус тилида нималарнидир уқтиради, ҳаяжонланган эди. Мазлум бўлишча, Жунус Бейсенов деган қирғиз йигити, ўзи тадбиркор, Бишкекда ҳам худди шундай Хотира майдони очилса, урушда қўрбон бўлган боболаримиз номини мисл лавҳаларда турса, деб ҳавас қилаётган экан.

Майдондан зиёрат қилувчиларнинг қадами узилмайди. Бир ёш, бири мийсафид, бири ўзбек, бири бошқа миллат... Кўёш қизариб уфққа бош кўяётир, бу — эртага кун офтобли бўлишидан нишон. Жасоратли боболар руҳи кўнган маскан эртага ҳам гавжум бўлади...

бошқа дарак бўлмаган. — Момом бобомни ўғтин саккиз йил кутади, хатто кейинчалик телевизордаги байрам тантаналарига қўз тикиб, шу уруш фахрийлари сафида кўриб қолармиканман, деб умид қилади. Афсуски... Шу она ёлғорлиги момомни эслати. Барча бедарак кетган аскарларни кутаётган оналарнинг ёрқин тисмони!

— Болам, ёш бошинга ҳарсатинг кам эмас экан, бардам бўл, — деб бизга яқинлашади Сайдулла бобо. — У кунлар ортада қолгани рост бўлсин. Қандай фаровон кунларда ашяғамиз. Тинчликнинг қадрига етиб яшанглр, ўтган кунларни эслаб юринглр.

Шаҳноза ва биз бир кур хушёр тортамиз. Майдондан зиёрат қилувчиларнинг қадами узилмайди. Бир ёш, бири мийсафид, бири ўзбек, бири бошқа миллат...

Собир ҲАРАБОВ («Халқ сўзи»).

ҲАЁТИ ИБРАТ, СЎЗИ ҲИКМАТ

Вобкент тумани марказидаги Чармгарон маҳалласида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳомид Турсуновнинг ҳаётида эса қоларли воқеалар кўп бўлган. Аммо бу сафаргиси ўзгача кечди. Отаҳоннинг шинама ҳовлисига вилоят ва туман ҳокимликлари, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари, ҳарбий хизматчилар, мактаб ўқувчилари, кўни-қўшнилар тўпланишиди. Бу ерда Ҳомид ота билан учрашув ўтказилди.

Ардок

— 1943 йили фронтга кетганман, — дейди отаҳон. — Ватан учун қон кечдик. Ўзи уруш деган сўзни айтгим келмайди. Унинг номи ўчин. Бундай кунларни биз кўрдик, сизлар кўрманглр. Бугунги тинч фаровон кунларга кўз тегмасин.

Турмуш ўртоғи Ҳокима Адизова билан уч ўғилни оқ тараб, оқ ювиб вояга етказган Ҳомид ота айтиш даъда 95 ёшда. Ҳаёти ибрат, сўзи ҳикмат бу инсон бугунги кунда бутун халқимиз, қавму қариндошлар, невароо эваралар ардоғида эканидан хурсанд.

Учрашувда вилоят ҳокими Уктам Барноев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий рабатлантириш мақсадида ажратилган 7 миллион 500 миң сўм миқдоридани Ҳомид отага тантанали тарзда топширди. Шунингдек, отаҳон вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам моддий рабатлантирилди. Табаррук ёшдаги уруш ва меҳнат фахрийсига қимматбаҳо совғалар ҳам берилди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Бебаҳо неъмат ЮРТИМИЗНИ «МАЛИБУ»ДА АЙЛАНИБ ЧИҚҚАН ОТАХОН

Навоийда вилояти ҳокими Кобул Турсунов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат fronti фахрийларини Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан кутлаб, Президентимиз табриғи ва 7 миллион 500 миң сўм миқдоридани бир марталиқ пул мукофотларини топширди.

Бугун вилоятда 37 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва бир неча ўнлаб фронт орти фахрийлари истиқомат қилиб, осойишта ҳаётда кесалиқ гаштини суришмоқда.

Ана шундай пирӯ бадавлат инсонлардан бири Ҳазрат Шайхон маҳалласида яшовчи Турсункул бобо Эргашевдир. У шу йил 97 баҳорни қарши олди. Отаҳон уруш арафасида ҳарбий хизматда қақририлиб, унинг дастлабки кунлари нидаёқ жангга кирган. 1944 йилда оғир яраланиб, юртимизга қайтган.

— Фронддан келиб, эллик йил тарих фанидан ўқитувчилик қилдим, — дейди отаҳон. — Оила куриб, етти фарзандни вояга етказдик. Беш ўғил, икки қиз, ҳаммаси педагог. Турсункул бобо Ҳазратнинг кун қиши тарафида 10 гектарлик мевали боғ яратган. Жорий кўктам баракасидан боғ янада яшнаган. Дарахларни кўздан

кечираётган отаҳоннинг маннун нигоҳларидан шукронани илғаш қийин эмас. — Бугунги эҳтиромдан руқланиб, беихтиёр тинчликнинг қадри ҳақида ўй сурагимиз. Кўз ўнгимизда 75 йил илгариги муҳш кунлар гавдаланади, — дейди оқсоқол. — Одамнинг заррача қадри бўлмаган қирғинбарот жанглр, олис юрларда қолиб кетган тенгқурларим эсга тушади. Дарҳақиқат, тинчлик — улуг неъмат, мустақиллик бебаҳо бахтидир. Давлатимиз ғамхўрлиги туйқалин имтиёзли харид қилинган “Малибу” автомашинасида юртимизни айланган кичикимиз билан бу неҳдорликларни кўриб, лол қолдик. Илоийм, осойишталигимиз абадий бўлсин! Мамлакатимиз фаҳри ва фойзи бўлган кексаларимизнинг дуолари ижобат бўлғусидир.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Қадрият

Хиёбонда ёшу кекса, турли тоифа одамлари учратасиз. Ёш қиз “Хотира” китобини арақлаб турган чолни кузатиб ўтирарди. Сайдулла бобо невараси ёнига келаркан, китобдан Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган ҳамқишлоғининг номини толганини айтди: — Бердибек ака Жонибековни топ-

дим. У жуда эпчил, жасоратли инсон эди.

Ёши тўксондан ошган бу мўйсифид шаҳардаги неваралари ордидан келган, Хотира майдонига бошлаб боришларини сўраган, имкон тугилганда зиёратга келган экан.

— Акам Файзулла Усаровни фронтга қақриришганда йигирма ёшда эди, мен сал ёшкор, отам кейинчалик мени урушдан олиб қолиш учун кўп уринган. Негаки, акам бир кўздан айрилиб ва

Шукрона

ФАХРИЙЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНМОҚДА

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Рамазон ойи муносабати билан Жиззах вилоятида истиқомат қилаётган 36 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 942 нафар уруш ортида меҳнат қилган фахрий ҳолидан хабар олинмоқда, уларнинг уйлари ва кўчаларини ободонлаштириш ишларида яқиндан ёрдам берилляпти.

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рабатлантириш тўғрисида”ги Фармони асосида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги муносабати билан вилоятдаги уруш фахрийларининг ҳар бирига 7 миллион 500 миң сўмлик бир марталиқ пул мукофоти, қимматбаҳо совғалар топширилиб, Президентимизнинг табриклари ўқиб эшиттирилмоқда.

— Урушга борган вақтим энди 18 ёшни қарши олган, куч-қувватга тўлган йигит эдим, — дейди Жиззах шаҳри, Фурқат кўчасида яшовчи 96 ёшли Юсуф бобо Турсунов. — Ёшлигимнинг бир неча йили жанггоҳда ўтди. У кунларни ҳеч кимга раво кўрмайман. Шундай бахтли замонларга етиб келганимизга шукр. Тинчлигимиз умрбоқий бўлишини Яратгандан сўрайман.

Шунингдек, уруш фахрийлари хонадонларига вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари депутатлари, фаоллар, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмиталари вакиллари ҳам таширф буюриб, совға-салом улашмоқда.

Талибжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»).



Дориламон кунларга етиб келган отаҳонлардан бири, Тошкент шаҳри Учтепа туманида истиқомат қилаётган Қирғизбой ота Камоловдир. — Давр тақозосига кўра, урушдан қарийб беш йил деганда — 1947 йилнинг апрелида Ватанисизга қайтиб келдим, — дейди отаҳон. — Кейинчалик ҳам юрт равнақи йўлида имконим борича меҳнат қилдим. Шунисига ҳам шукр, фарзандлар, халқимиз, давлатимиз ардоғидаман. Отаҳон дориламон кунлар, осудалик, бахтли ҳаёт учун шукрона келтиради. Қўли ҳамшиша дуода.

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

Уруш қатнашчисига янги хонадон совға қилинди

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бектурсун Пирматовни Хотира ва Қадрлаш куни арафасида йўқлаш, байрам билан табриклаш учун Гулистон шаҳридаги хонадонига қўллаб меҳмонлар таширф буюрди.

Эъзоз

Сирдарё вилояти ҳокими Гофуржон Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг отаҳонга йўллаган байрам табриғини ўқиб берди. Сўнг давлатимиз раҳбари Фармони билан белгиланган 7 миллион 500 миң сўм мукофот пулини

тантанали равишда топширди. Уруш қатнашчисига яна Гулистон шаҳридан икки хонали хонадон берилганлиги хусусидаги сертификат ва бошқа совғалар ҳам тақдим этилди.

— Президентимизнинг табриғидан бошим осмонга етди, — дейди Бектурсун бобо. — Биз, Иккинчи жаҳон уруши қат-

нашчиларига кўрсатилаётган бундай эътибордан жуда миннатдоримиз. Ҳар доим кўлимиз дуода. Осмонимиз мусаффо, тинчлигимиз боқий бўлсин! Халқимиз турмуши ва ҳаёт тарзи бундан да юксалаверсин!

Шунингдек, худди шундай шодиёна Гулистон туманилик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Яхё Шарипов хонадонига ҳам бўлиб ўтди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Тинчлик қадри

Хар тонг қўёшни хотиржамликда кутиб олиш нақадар катта бахт эканини ҳаловатсиз қолганлар яқши билади. Уларнинг беором туналри эвазига мана шундай дориламон кунларда яшяяпмиз.

Анджон ҳарбий прокуратураси ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учрашувида бу алоҳида таъкидланди. Тадбир иштирокчилари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — Ҳўжаобод туманининг Манак қишлоғида яшовчи Фозилжон ота Тешабоев ҳамда Жалақудук туманининг Қўштепа маҳалласида истиқомат қилувчи Зайнобиддин

ота Қодиров ҳолидан ҳам хабар олди. Отаҳонлар уруш жанггоҳларини ёдга олар экан, барчани бугунги тинчлик-омонликни қадрлашга қақриди. Юртимиздаги осойишталик, ҳамжихатлик бардавом бўлсин, дея дуо қилди. Уруш қатнашчиларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалар топширилди.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

УЛУГЛАРИМИЗНИ ТАНИШ ОРҚАЛИ КИМЛИГИМИЗНИ АНГЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси халқ рссомни, санъат арбоби, Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Токио санъат музейининг Фуджи медални соҳибни, Бобур номидаги халқро мукофот лауреати Равшан Миртожиев ҳаётини, ижодини Ватани учун, миллат учун бахшида этди. У ясаган ҳайкаллар дунёнинг турли гўшаларида абадият тисмоли каби қад ростлаб турганининг ўзийёқ бунинг исботидир.

Фахр

Биз буюкларга қўйилган ҳайкалларни кўп кўрганимиз. Уларнинг ҳар биридаги ўзига мос мезморий ечим ҳайкалтарошнинг санъаткор сифатидаги салоҳиятини намоян этади. Тошкент шаҳридаги оддий шифокор оиласида дунёга келиб, кейинчалик машхур ҳайкалтарош бўлиб етишган Равшан Миртожиевнинг болалигида бир кунни ўқитувчиси барча қатори унга ҳам ҳайкал ясаб келишни тайинляйди. Каштачилик билан шуғулланган бўвсининг ёнида мурғак қалби санъатнинг сирли оламига ошно бўлган бола бундан шу қадар суюнадики, туни билан ухламай токи ўзига маъқул бўлмагунча лойдан ҳайкал ясаб, кўнгли тўлғач, эртаси куни мактабга олиб боради.

Урта мактабдан сўнг аввал Республика рассомчилиқ билим юртида, сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтида тахсил олган Равшан Миртожиев салкам йигирма йил Андижонда фаолият юртиди. Кўп йиллар Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга соҳа сирларидан сабоқ берди. Шоғирдлар етиштирди.

Дунё шаҳарларини безаб турган улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ўндан ортиқ ҳайкаллари ҳам Равшан Миртожиев ижоди маҳсули ҳисобланади. Москва, Токио, Боку, Шанхай шаҳарларидаги шоир ҳайкаллари, Вашингтондаги Конгресс кутубхонасидаги ҳайкал модели... уларнинг ҳар бири қаршидада улуг шоирни янгидан кашф қилаётгандек бўласиз. Рига шаҳрида ўрнатилган

Мирзо Улугбек ва Ибн Сино, Хитойдаги Камолиддин Бехзод, пойтахтимиздаги Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ҳайкаллари, “Ватанга қасам” монументи, Андижондаги Чўлпон, Самарқанддаги Рудакий, Мирзо Улугбек, Бухородаги Фитрат, Ғазалкентдаги Элбек ҳайкаллари, Қаршидаги “Эрт-юрт таяғи” асарни ҳам ўзига хослиги билан ажрალიб туришини санъат ихлосмандлари қатори оддий томошабинлар ҳам бирдек эътироф этишади. Ташта “жон” битгунча ҳайкалтарош қанчадан-қанча уйқусиз туналрни ўтказмаган дейсиз? Улуг аҳддорларимиз қиёфасидаги ақл-идрок, улугворлик, самимият ва нуронийлик учун яратган ҳайкаллари мангуликка дахлдор этгани каби ҳайкалтарош номи қалбларда эъзозланишига сабаб бўлади.

1993 йилда яратилган Захириддин Мухаммад Бобур ҳайкали Равшан Миртожиевнинг дастлабки ийрик ишларидан бири эди. Бобур от устида ўнг қўлини кўксига қўйганча турибди. У ўз юртига отда кириб келмоқда. Ватанга муҳаббат ва сочинин билан қайтмоқда. Ҳайкал баланд тоғлар чўққисини билан бирига тасвирланган. Бобурдаги улугворлик тоғлар чўққисига тенг. Ёки ўзига хос мезморий ва бадий ечимга эга бўлган Абдулла Қодирий ҳайкалида ёзувчи руҳи ялдил тошдан чиқиб келаётган бўлиши керак эди. Равшан Миртожиев тош ўрнига кейинчалик гиштларни таллаган. Чунки Қодирий қатл этилган ҳойда гишт заводи бўлган. Айтишларига, Абдулла Қодирий асарлари ва аччиқ қисмати-



Хусан ЭРМАТОВ, журналист.

Намангандаги музейнинг ноёб экспонатлари

Наманган вилоятида Хотира ва Қадрлаш куни олдида маънавий-матрифиқ тадбирлар ташкил этилмоқда. Масалан, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи биносини олдида ҳар кунни эрталаб ўтказилаётган “Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият” шиори остидаги театрлаштирилган чиқишлар жамоатчилик эътиборини тортиб келаётир.

Тарих ва тақдир

Музейнинг Иккинчи жаҳон урушига бағишланган бўлимида наманганликларнинг қирғинбарот жанглрдаги мардлиги, фронт орти меҳнатига доир қимматли материаллар тўпланган. Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши фаоллари жанглрда фойдаланилган ва хозиргача сақлаб келинаётган куроллар, аскар либослари ҳамда бошқа ашёлардан фойдаланган ҳолда йигитларни фронтга кузатиш, жанг лавҳаларини сахна кўринишлари орқали йигитлар эътиборига ҳавола этишмоқда.

— Бундай томошаларда гўё тарих жонланмоқда, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши масъул ходими Д. Шарипова. — Шаҳримиз кўчаларида эса Ватанисиз байроги рамзи туширилган “Шараф лентаси”ни тарқатиш давом этапти. Ёши улуг инсонлар, маданият ва санъат вакиллари иштирокидаги бундай тадбирларда юрт тинчлиги учун курашган табаррук инсонлар ёди мангу эъзозда эканилиги, бугунги осойишта кунларимизнинг қадри хусусидаги фикрлар қайта-қайта таъкидланяпти.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ТУРИЗМ янгиликлари

«YOUTUBE ҚИРОЛИ» ЎЗБЕКИСТОНДА

Ижтимоий тармоқлардаги машҳур блогерлардан бири, Индонезиядаги ўн бир нафар фарзандли Ген ва Халиллар оиласи юртимизда меҳмон бўлиб турибди.



Ушбу оила «YouTube қироли» деган номга сазовор бўлиб, YouTubeдаги ўз каналида 9 миллионлик аудиторияга эга. Эътиборлиси, оила вакиллари неча йилдирки, Ўзбекистон ҳақида махсус материаллар тайёрлайди. Уларни томоша қилаётганлар сони 100 мингдан ошган.

— Нафақат қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, балки сўлим ва бетакрор Фарғона водийси ҳақида ҳам махсус видеороликлар тайёрлаймиз, — дейди меҳмонлар. — Ишонамизки,

ушбу материалларимиз жаҳон сайёҳларини беэтибор қолдирмайди.

Блогерлар Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида туристик имкониятлар учун кенг йўл очиб берилаётгани, Жакартадан Тошкентга йўлга қўйилган авиақатновлар халқлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланишига хизмат қилишини билдирди.

ХОРИЖЛИК ОШПАЗЛАР



Slow Food

«Slow Food» халқаро нотижорат ташкилоти мамлакатимизда фаолият бошлайди.

Дунё халқларининг миллий таомларини кенг оммага танитиш, озиқ-овқат саноати ва гастрономик туризмни ривожлантиришни татбиқ қилиш билан шуғулланадиган «Slow Food» халқаро нотижорат ташкилоти мамлакатимизда фаолият бошлайди.

Бу ҳақда «Slow Food» халқаро нотижорат ташкилотининг ижрочи директори Федерико Маттеининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутасаддилари билан учрашувидан сўнг маълум қилинган.

Ҳозир ушбу халқаро нотижорат ташкилоти жаҳоннинг 160 дан ортик мамлакатларида минглаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

SANOAT QURILISH BANK

9 май –

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси юртимиздаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларини 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни билан чин қалбдан табриклайди!

Сизнинг буюк хизматингиз, мардлик ва матонатингиз, меҳнатдаги жасоратингиз ёш авлод учун ҳамisha ибрат намунаси бўлиб қолади.

«БЕКОВОДЦЕМЕНТ»
акциядорлик жамияти жамоаси

9 май –
Хотира ва
Қадрлаш куни
билан самимий муборакбод этади!

Ватанимиз тинчлиги,
халқимиз осудалиги учун
ҳаётини бағишлаган фидойи аجدодларимиз
хотираси олдида доимо таъзимдамиз.

Инсон манфаатлари устувор бўлган,
кексалари қадрланган
юртимиз осмони мангу мусаффо,
элимиз фаровон, тинчлигимиз абадий бўлсин!

Барчангизга
сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат,
муваффақият тилаймиз!

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 май, жума куни чиқади).

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚҲЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«Инсон манфаати»	«Келажак бунёдкори»
Омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача.	Омонат муддати — 25 ойдан 36 ойгача.
Фоиз ставкаси — йиллик 20%.	Фоиз ставкаси — йиллик 21%.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Телефонлар: 78-150-93-39, 78-150-72-58.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Тўрақул Арзиқуловга онаси **Хурмат ая АРЗИҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятта келган кўлаблар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 22.25 Топширилди — 01.55 1 2 3 4 5 6